

Ўзига суюнинг



09:00 / 10.02.2023 1351

Ўшанда маҳзунлик йили эди!

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Қурайшдан ҳимоя қиладиган метин девор бўлмиш Абу Толиб вафот қилди.

Завжалари, ҳабибалари, дўстлари, суюнчиқлари Ҳадича розиёллоҳу анҳо вафот қилди.

Кишининг ички ва ташқи фронтдан бирданига ажралиши нақадар оғир синов!

Инсон ўзини ёлғиз ва кимсасиз ҳис қилади!

Макка бутунлай бутлар ва санамларга ибодат қилишга ғарқ бўлган эди. «Дорун Надва» ҳийла-найранг ва фитналарга тўлиб-тошган эди!

Ана шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифга боришга қарор қилдилар. Маккадан топмаган меҳрни у ердан топишга, Маккада кўрган бағритошликни у ерда кўрмасликка умид боғладилар.

Тоифга етиб бориб Тоифнинг каттаси ибн Абди Ёлилга мақсадларини айтдилар. Аммо у разилнинг берган жавобидан кўзларимиз ёшланди, қалбимиз парчаланди. У суюкли Набийимиз соллоллоҳу алайҳи васалламга шундай деди:

- Аллоҳ менга юборишга сендан бошқа одам топа олмадимиз?!

Сўнгра аҳмоқлари ва ёш болаларига айтиб у зот соллаллоҳу алайҳи

васалламни тошбўрон қилдирди. Икки муборак оёқларидан қон оқди!
Кейин замон айланди, йиллар алмашди. Макка фатҳ бўлди. Билол
розияллоҳу анҳу Каъбанинг устидан азон айтди. Азон садоси илк бор
оламни тўлдирди!

Бу буюк маскан ўзлигини токи қиёматгача яна қайтариб олди!

Мана, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинадалар. Ислом салтанати
бутун араб ярим оролига ўз ҳукмронлигини таратди. Оиша розияллоҳу
анҳо Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраяптилар:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Сиз учун энг оғир кун қайси кун бўлган?

Оиша розияллоҳу анҳо Уҳуд жангининг оғир кечганини билар эдилар. У
кунда қўшиннинг қўмондони, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг
амакилари Ҳамза розияллоҳу анҳу шаҳид бўлган эди. Ҳамза розияллоҳу
анҳу билан бирга етмишта энг буюк саҳобаларини дафн қилдилар. Ўша
ғазотда суюкли Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларини
ёришди, тишларини синдиришди. Шунинг учун Оиша розияллоҳу анҳо буни
энг оғир кун деб ҳисоблаяптилар.

Аммо Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тўсатдан Тоифдан гап
бошладилар:

- Тоифдан чиққанимда ўзимда йўқ эдим. Фақатгина Қарнус Саъолиб деган
жойда ўзимга келдим. Бошимни кўтардим. Тепада Жаброил турар эди. У
деди:

- Аллоҳ таоло тоғларнинг фариштасини юборди. Истасанг бу фаришта
Тоиф аҳли устига иккита тоғни ағдариб уларни йўқ қилади! Мен
Жаброилга дедим:

- Мен уларнинг наслидан ёлғиз Аллоҳга ибодат қиладиган, Унга ҳеч
нарсани шерик қилмайдиган кишилар чиқишидан умидворман!

Энди биродарлар қалбингизни менга беринг-да, Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи васалламнинг гапларини мен билан бирга тааммул қилинг!

«Тоифдан чиққанимда ўзимда йўқ эдим. Фақатгина Қарнус Саъолиб деган
жойда ўзимга келдим».

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг пайғамбар эканликларини
билар эдилар. Куни келиб динлари ғолиб бўлишини ҳам билар эдилар.
Аммо у киши ҳам барибир инсон эдилар. Ота-онам фидо бўлсин у зотга!

Дунё кўзларига тор бўлди. Ҳатто бутун олам у кишининг нигоҳларида нинанинг тешигидек бўлиб қолди. Нима қилишни билмадилар. Маҳзунлик ва оғриқдан синиб қолдилар. Юзлари ерга боқиб, оёқлари қаерга боришни билмай қолди. Шу ҳолатда бугунги ҳисобимиз билан 46 км юрганлар. Ногоҳ Жаброил алайҳиссаломнинг овозидан ўзларига келиб тепага қарадилар!

Эътибор беринг! Роббимиз Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламдаги инсончиликни нақадар риоясини қиляпти. Аллоҳ таоло у кишига итоб қилмади. Балки Жаброил алайҳиссаломни юбориб тасалли берди. Истасалар зулмга қарши жавоб беришини айтди!

Биз иймоннинг озлигидан эмас, ҳаётнинг бешафқатлигидан заифлашамиз. Тоиф куни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг иймонлари оз эмас эди. Аммо зулмнинг таъми аччиқ эди!

Тушунинг, инсон баъзан синиб қолади. Танаси бизнинг дунёмизда юрсада, руҳи биз билмайдиган бошқа дунёда юрган бўлади. Инсоннинг бошидан шунақа пайтлар ўтадики, унда бир сўз айтишга ҳам, насиҳат эшитишга ҳам, бировни кўришга ҳам тоқати етмайди!

Абдулқодир Полвонов